

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2018
июнь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.ПАРДАЕВА

Роман жанрининг культурологик қиёфаси 63

С.ҚУРОНОВ

Исажон Султон романларида олам ва одам концепцияси 66

Ф.ДАДАБАЕВА

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида портрет ва сифатлашлар таржимаси 69

М.ЖҮРАЕВА

Кундош образининг замонавий талқини 72

ТИЛШУНОСЛИК

А.МАМАЖОНОВ, Д.ТЕШАБОЕВ

Қўшма гаплар семантикасига доир баъзи мулоҳазалар 76

Д.ТУРДАЛИЕВА

Лисоний имконият ва бадиий санъат 79

Н.АБДУЛЛАЕВА

Синтактик градуонимия 84

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

А.ХОЖИМИРЗАЕВ

Мактабгача таълим муассасаларида асосий гимнастика воситаларининг ўрни 87

Р.ДЖАЛИЛОВА

Ўрта Осиё меморчилигида нақошлик санъатининг тарихий ва замонавий моҳияти 92

ИЛМИЙ АХБОРОТ

К.ҚОДИРОВ, Т.БАКИРОВ, Ҳ.ҚОДИРОВА

Математик фанларни ўқитишда улар орасидаги узвийликни очиб бериш ҳамда ўзаро алоқадорликдан фойдаланиш 95

Л.РАХИМОВА

Ядросида Бессель функцияси қатнашган ўрамсиз операторлар ва уларнинг хоссалари 99

М.РАХИМОВ, Ф.ТУХТАСИНОВ

Жадал технология шароитида четдан келтирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлигига боқув технологиясининг таъсири 101

А.ЭРМАТОВ

Корхона захира (резерв) капиталининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш 103

Л.БЕГИМҚУЛОВА

Шоҳруҳ Мирзонинг давлатчилик фаолиятига оид айрим мулоҳазалар 106

М.УСМАНОВА

Нутқ фаолиятининг хусусиятлари ва ривожланиши 108

Ҳ.ЖҮРАЕВ, И.АБДУРАҲИМОВА

Бобур лирикасида ифоданинг маъно қатламлари 111

Н.ТОШЕВА

Халқ топишмоқлари эпиграф сифатида 113

Г.РОЗИҚОВА

Ноодатий боғланиш – услубий восита сифатида 116

З.АКБАРОВА, Ш.АНВАРХЎЖАЕВА

Нутқ маданияти масалаларининг ўрганилишига доир 118

Ш.АСКАРОВА

Немис тили дарсларида лексикани ўргатиш методлари 120

М.КАРИМОВА, И.МЕРГАНОВ

Ўрта асрлардаги педагогик фикрларнинг маънавий моҳияти 123

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Илмга бахшида умр 126

ХАЛҚ ТОПИШМОҚЛАРИ ЭПИГРАФ СИФАТИДА

Н.Тошева

Аннотация

Мақолада Луқмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” романига эпиграф қилиб олинган топишмоқнинг асар воқеаларини очиб беришдаги поэтик вазифаси ёритилган.

Аннотация

В статье раскрывается поэтическая функция загадки, взятой в качестве эпиграфа к роману Лукмона Бурихана “Жазирамадаги одамлар”.

Annotation

The poetic function of the riddle, which is used as epigraph in the novel by Lukhmon Burikhon “Jaziramadagi odamlar” (“People under the heat”) is revealed in this article.

Таянч сўз ва иборалар: эпиграф, топишмоқ, фольклор, роман сюжети, роман ҳаҳрамонлари.

Ключевые слова и выражения: эпиграф, загадка, фольклор, сюжет романа, герой романа.

Keywords and expressions: epigraph, riddle, folklore, the setting of the novel, the characters of the novel.

Эпиграф (юн. *epigraphe* - битик, сарлавҳа) – асарнинг бошланишида сарлавҳадан кейинроқ ёки унинг бўлим (боб, фасл) лари бошида келтирилувчи қисқа, одатда, эътиборли манбалардан (халқ ижоди, машҳур кишиларнинг пурхикмат сўзлари ва ш.к) олинган кўчирма, цитатанинг бир кўриниши [1.366].

Бадиий адабиётга насрый асарга мос келадиган эпиграф танлаш ижодкордан катта билим ва савия талаб қиласди. Ижодкор томонидан танланган эпиграф асарнинг мезон-моҳиятини ифодалаши керак. Улуғ адаби А.Қаҳҳорнинг ўз асарларига танлаган эпиграфлари бунга мисолдир. У “Осмон йироқ, ер қаттиқ” (“Бемор” ҳикоясига), “Отнинг ўлими итнинг байрами” (“Ўғри” ҳикоясига), “Ола қарға қаф этади, ўз вақтини чоғ этади” (“Башорат” ҳикоясига), “Ўйлар тўла нон, оч-наҳорим болам, Ариқлар тўла сув, ташнаи зорим болам” (“Анор” ҳикоясига) кабилари эпиграф қилиб танланган. Эркин Воҳидов эса “Рұхлар исёни” достонига ҳинд шоири Назрул Исломнинг “Туғилгансан озод, мудом озод бўлиб қол!” сатрини, замонавий наср намояндаларидан бири бўлган Исажон Султон ҳам “Шамолли кечা” ҳикоясига Р.Раҳматнинг: “Етим бола, ҳой бола, синглинг қани, бой бола?” сўзларини эпиграф сифатида ишлатган. Эпиграф орқали сўз устасининг асаридан кутаётган асл мақсади англашилади. Бадиий асарларда кўлланаётган эпиграфлар ўқувчини асар

воқелигига олиб кириб, унга асар ҳақидаги илк маълумотни бериш вазифасини ҳам бажаради.

Ўзбек адабиётида эпиграф сифатида кўпроқ мақоллар, цитаталар ёки ривоятлар айrim насрый асарларга (С.Аҳмаднинг “Қорақўз мажнун” ҳикоясига Қуръони Каримдаги “Бақара” сурасидан) ҳадислардан эпиграф танланган.

Аскад Мухторнинг “Чинор” романида олтита ривоят келтирилган бўлиб, чинор ҳақидаги ривоятни асарнинг бош эпиграфи деб ҳисоблаш мумкин.

Замонавий адабиётимиз намояндаларидан бири бўлган Луқмон Бўрихон юқоридаги қоидалардан бироз чекинган ҳолда “Жазирамадаги одамлар” романига “Бир отим бор, ажабгина, думлари гажаккина. Ҳали келса ... кула-кула ўласиз”, деган топишмоқни эпиграф сифатида танлаган.

“Топишмоқ (“чистон” – форсча, “у нима”) – нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини кўчма маънода рамз ва ишоралар орқали айтиш ва тингловчиларнинг у нарса, ҳодисаларни фаҳму фаросат билан айтиб беришига асосланган поэтик жанр” [2.154].

Ҳозирги бадиий адабиётда ижтимоий-сиёсий воқеалар тасвирига қараганда инсон руҳияти тасвирига катта ургу берилмоқда.

Адабнинг бу романида ҳам жамиятда

Н.Тошева – Навоий вилояти, Хатирчи тумани 74-умумий таълим мактаби она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеалар эмас, балки инсон кўнглида кечётган кечимлари, унинг ички сезимлари қаламга олинади. Романга ёзувчи нега бу топишмоқни эпиграф қилиб танлаган, топишмоқ асар мазмунига мос олинганми? Бу саволларга, албатта, романни ўқиганимиздан сўнг жавоб оламиз.

Топишмоқ аслиятга кўра: “Бир отим бор ажабгина, думлар гажаккина, Ҳали келса кўрасиз, қўрқа-қўрқа ўласиз” [3.19].

“Топишмоқлар жаҳон гўзаллигини кўришга, хаёл ва тасаввур қилишга, дунё қувончларидан барҳаманд бўлишга ёрдам беради.

Ўзбек ҳалқи яратган топишмоқлар унинг ижтимоий ҳаёти ва турмушининг барча томонларини қамраб олади [3.19].

Адид бу топишмоқни аслига кўра бироз ўзгартирган ҳолда қўллаган бўлиб, унинг жавоби чаёндир. Чаён-захарли ҳашарот. Уни кўрган одам, албатта, унинг устидан кулмайди, балки қўрқади.

Шу ўринда бир савол туғилади. Ёзувчи нега бу топишмоқни ўзгартирган ҳолда романга эпиграф қилиб олди? Роман ғояси ва топишмоқнинг боғлиқлиги мавжудми? Кузатишларимизга қараганда, бу топишмоқнинг ҳалқ орасида аслига кўра варианти эмас, балки адид қўллаган варианти учрар экан. Боболаримиз, момоларимиз бу топишмоқни невараларига қўрқмасликлари учун кулгили тарзда баён қилишган экан.

Эпиграф сифатида танланган топишмоқнинг жавоби “чаён”дир. Асар воқеалари, қаҳрамонлари, уларнинг характер ва руҳияти билан танишар эканмиз, топишмоқ матни ҳам, унинг жавоби ҳам асарга нечоғлик мос танланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Чаён рамзий маънода қўлланган бўлиб, романнинг бош қаҳрамони Лолаҳоннинг аччиқ, аянчли, фожиали қисмати тимсолидир. Чаённи кўрганда инсоннинг эти қанчалик жунжукса, унинг ҳаётида бўлиб ўтган воқеалар, фожиали тақдиди ҳам ўқувчини шундай ҳаяжонга солади.

Топишмоқ жавоби бевосита асарнинг бош қаҳрамонига боғлиқ.

Топишмоқ матни эса бутун асарда иштирок этадиган қаҳрамонларга қаратади тўқилган поэтик воситадир.

Роман сюжети ҳамда қаҳрамонлари руҳияти билан танишар эканмиз, қаҳрамонлар орасидаги муносабатларнинг сунъийлигига, мантиқа мувофиқ келмаслигига амин бўламиз. Роман қаҳрамонларининг деярли барчаси яхши бўлишга эмас, яхши бўлиб кўринишга ҳаракат қилишларининг ўзиёқ эпиграф матнига ишорат беради.

Асар қаҳрамонларидаги сохталиктининг ёмон оқибатга олиб келганлиги, ташки кўриниш эмас, балки ички руҳ инсон ҳаётида муҳим ўрин эгаллагани ёзувчи томонидан очиб берилади.

“Бир отим бор ажабгина, думлари гажаккина, ҳали келса кўрасиз, кула-кула ўласиз”. Топишмоқдаги “кула-кула ўласиз” бирикмаси замираиди инсон табиатига хос бўлган сохталиктининг ёмон оқибати, яъни “кула-кула” эмас, ҳақиқатан “қўрқа-қўрқа” ўласиз деган ғояси турибди. Шу ўринда романдаги Абдулла образига эътиборни қаратмоқчимиз.

Бу қаҳрамон одамларга яхши кўринишга ҳаракат қилмайди. У ўзини ҳурмат қиласи, яхши кўради. Ҳар доим ақлга суюниб иш кўради. Шунинг учун ҳам у кўпчиликка ёқмайди. Лекин бундай инсонларнинг жамиятга фойдаси ҳам, зарари ҳам тегмайди. Абдулла образи жамиятдаги ҳақиқий, асл инсон қиёфаси қилиб чизилган.

Асарда бундай хусусиятга зид тарзда Ашур образи берилган. Аслини олганда, бу образ бутун бошли асарнинг моҳиятини белгилайди. Эпиграф ҳам Ашурга мос шаклда айтилган.

Жамиятда иймонли, ақл билан иш кўрадиган инсонлар қўпинча четда, одамлар эътиборидан йироқда келади. Шундай инсонлар борки, улар ўзларининг жирканч руҳияти билан одамлар орасида жамият шони, номуси, ори бўлиб яшайди. Ашур ҳам худди шундай руҳият эгаси. Адид бу қаҳрамонини Абдуллага тескари равишда уятсиз ва соҳтакор қилиб тасвирлайди.

Ашур қишлоқдошлари назарида оила ор-номусини ҳимоя қилувчи қаҳрамон қилиб гавдалантирилади. Афсуски, жамиятдаги кўпчилик одамлар инсоннинг ташки кўринишига қараб баҳо беради, уни қаҳрамон даражасига кўтаради.

Бу қаҳрамон шундай хулқи билан асарнинг бош қаҳрамони Лолаҳоннинг

бошига етади. Энг аянчли жиҳати, одамлар уни “у аёл кишини ўлдириди, демак, у қотил” деб эмас, оила шаънини ҳимоя қилган қаҳрамонга чиқаришади.

“Жазирамадаги одамлар” асари моҳиятини Лолаҳоннинг ўлимидан сўнг ҳалқ орасида тарқалиб кетган гап-сўзлар очиб беради.

“Ҳақ рост, ҳақ рост, - дермиш улар бир-бирига гап маъқуллатиб. – Осмонда паришталар бор. Ана шу паришталарнинг каромати билан бошқа бирорга отилган паншаха бурулибгина анави ер юткурнинг қорнига қадалган-да! Худойжоннинг ўзи қилмишига яраша жазоланганда, қора босгурни...”

“Бошқа бир одамлар Лолаҳоннинг асли бузуки феъл жодугар экани, Ўроқ бечоранинг тупроғи ҳали совимай туриб пардоз-андозга зўр бергани, кундан кун хушрӯйлашиб, кўзинга кўз сузиб, қош қоқиб қилпанглаб юрганини ашёвий далиллар билан исботлашга киришган эмиш” [4.315].

Асар бошида Лолаҳон одамлар орасида садоқат тимсолига айланган аёл эди. У гўзал фаришта эди. Бир пасда фариштадан жодугарга айланди. Одамзот шунақа, кўзи билан кўрмай, қўли билан ушламай, кўп нарсанинг тақдирини ҳал қилишга уринади. Жазирамадаги одамлар

ҳам худди шундай характерга эга бўлган антиқа кишилар эди.

Лолаҳоннинг кўнгли, ўй-хаёллари билан ҳеч ким ҳисоблашмади. Ваҳоланки, у бева қолганида ҳали ёш жувон эди. Уни Ўроқнинг ота-онаси ҳам, жамият одамлари ҳам тушунмади, эътиборга ҳам олмади.

Ўроқнинг онаси Хосият хола ўлганидан сўнг бир йил ўтиб, Файзула ака уйланиш пайига тушиб қолади. Бунга фарзандлари рози бўлмайди. Аммо Файзула ака қизларига бир ўқрайиб бергандан сўнг қизлари уни уйлантириб қўяди. Бу ҳолатга атрофдагилар ҳеч нима дейишмайди.

Асардаги ўзига хослик шундаки, ундаги ҳар бир қаҳрамон ўзича ўйлади, фикрлайди, хулоса чиқаради, аммо бу қанчалик тўғри ёки нотўғри ёхуд аҳамиятсиз.

Романда ёзувчи томонидан эпиграфга мос равишда одамларнинг сохталик ва ҳақиқатнинг фарқига бормайдиган, аммо ҳар нарсада ўзининг ҳукмини чиқариб берадиган руҳий олами очиб берилади.

Шундай қилиб, ёзувчи Луқмон Бўриҳоннинг “Жазирамадаги одамлар” романига эпиграф сифатида олинган топишмоқ асар бадииятининг мазмунини ифодалаб, сюжет қамровини ҳам ўз ичига олади. Ҳалқ оғзаки ижодининг бири бўлган топишмоқ асар ғоясини очиб беришда асосий калит вазифасини бажаради.

Адабиётлар:

1. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Т., 2013.
2. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. -Ж. 2. – Т.: Фан, 1992.
3. Ўзбек ҳалқ топишмоқлари – Т., 2008.
4. Луқмон Бўриҳон. Жазирамадаги одамлар. Роман. –Т.: F.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.

(Тақризчи: А.Сабирдинов, филология фанлари доктори).